



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ
ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ ТИББИЁТ ЖУРНАЛИ
1-ТОМ, 2-СОН. 2025-06.04

УДК: 616.37-002-07-08

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ АЙРИМ ШИФОХОНАЛАРИДА ОРТИҚЧА ВАЗН
ФОНИДА СУРУНКАЛИ ПАНКРЕАТИТ БИЛАН ДАВОЛАНГАН БЕМОРЛАРДА
ҚЎЛЛАНИЛГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ ФАРМАКОЭПИДЕМИОЛОГИК
ТАҲЛИЛИ

Д.М.Матрасулова ТТА Урганч филиал, Оилавий шифокор тайёрлаш кафедраси ассистенти,
matrasulova.dildora@mail.ru,

ORCID: <https://orcid.org/0009-0002-3706-0050>,

С.Р.Исмоилов, ТТА Урганч филиали клиникси бош шифокори т.ф.д.

Ж.А.Юлдашов ТТА Урганч филиал, Оилавий шифокор тайёрлаш кафедраси катта
ўқитувчиси PhD

Хоразм вилоятидаги Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда Хива ва Шовот туманлари тиббиёт бирлашмаларида 2018-2022 йилларда даволанган 217 нафар ортиқча вазнли сурункали панкреатит билан касалланган беморларнинг касаллик тарихлари ретроспектив тарзда фармакоэпидемиологик усуллар билан ўрганилди. Бунда ортиқча вазнли беморларда касалликнинг учраш частотаси эркакларга қараганда аёлларда 3,17 марта юқори эканлиги, 110 нафар бемор ишлаш қобилиятига эгаллиги, уларнинг 85 фоизи қишлоқ аҳолиси эканлиги, беморларнинг катта кўпчилигида касалликнинг кечиши 5 йилдан ортиқ давом этганлиги ва ўтказилган даво муолажаларининг деярлик ярми даволаш стандартларига мос эмаслиги аниқланди.

Калит сўзлар: сурункали панкреатит, ТМИ-тана масса индекси.

ФАРМАКОЭПИДЕМИОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ЛЕКАРСТВЕННЫХ
СРЕДСТВ, ПРИМЕНЯЕМЫХ У БОЛЬНЫХ С ХРОНИЧЕСКИМ ПАНКРЕАТИТОМ
НА ФОНЕ ЛИШНЕГО ВЕСА, ПРОЛЕЧЕННЫХ В НЕКОТОРЫХ БОЛЬНИЦАХ
ХОРАЗМСКОЙ ОБЛАСТИ

Д.М. Матрасулова, ассистент кафедры подготовки семейных врачей Ургенчского филиала ТМА, matrasulova.dildora@mail.ru,

ORCID: <https://orcid.org/0009-0002-3706-0050>,

С.Р. Исмоилов, главный врач клиники Ургенчского филиала ТТА, доктор медицинских наук

Ж.А.Юлдашов старший преподаватель кафедры подготовки семейных врачей Ургенчского филиала ТМА, PhD.

Ретроспективно фармакоэпидемиологическими методами изучены истории болезни 217 больных хроническим панкреатитом с избыточной массой тела, проходивших лечение в 2018-2022 годах в Областном многопрофильном медицинском центре Хорезмской области и медицинских объединениях Хивинского и Шаватского районов. При этом частота заболевания у больных с избыточной массой тела у женщин в 3,17 раза выше, чем у мужчин, 110 больных в трудоспособном возрасте, 85% больных – жители села, у подавляющего большинства больных заболевание длилось более 5 лет. Кроме того, около половины проведенных лечебных процедур не соответствовали лечебным стандартам.

Ключевые слова: хронический панкреатит, ИМТ- индекс масса тела.

Мавзунинг долзарблиги: Маълумки, сурункали панкреатит замонавий тиббиётнинг ўта долзарб ва мураккаб муаммоларидан бири ҳисобланади. Мазкур касаллик етарлича кўп



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ **ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ ТИББИЁТ ЖУРНАЛИ** **1-ТОМ, 2-СОН. 2025-06.04**

учрайди ва турли мамлакатларда ҳар 100 000 нафар аҳолига 5-7 та янги ҳолатдан тўғри келади. Адабиётлардан олинган маълумотларга қараганда, охириги 40 йил ичида сурункали панкреатит билан касалланиш ҳолати деярлик икки баробар ортган. Булар асосан, 39 ёшдан 60 ёшгача бўлган, яъни меҳнатга лаёқатли ёшдаги беморлардир [1, 7]. Беморларнинг ёш ва ўрта ёшда эканлиги (25-50 ёш), охириги йилларда касалланишнинг тинмай ўсиб бориши [3, 4], асоратланишнинг ва ўлим ҳолатининг юқори кўрсаткичлари [2, 5, 6] сурункали панкреатитнинг муҳим тиббий-ижтимоий муаммо эканлигидан далолат беради ва ушбу муаммони ўрганиш долзарб эканлигини кўрсатади.

Ҳозирги кунда ушбу касалликни даволашда этиопатогенезидан келиб чиқиб антисекретор воситалар, аналгетиклар, спазмолитиклар, фермент ўрнини босувчилар кенг қўламда қўлланилиб келинмоқда. Аммо, Оролбўйи ҳудудларидаги экологик жиҳатдан ноқулай бўлган шароитларда, жумладан Хоразм вилоятида, ортиқча вазнли беморларда сурункали панкреатит касаллиги билан даволанган беморларда қўлланилган воситаларнинг фармакоэпидемиологияси ва фармакоэкономикасининг ўзига хослиги шу бугунги кунгача умуман ўрганилган эмас. Шунга асосан мазкур ишда Хоразм вилояти аҳолисидан ортиқча вазн фонида кечувчи сурункали панкреатит билан оғриган беморларни стационар даволашда қўлланилган дори воситаларининг миқдорий ва сифатий фармакоэпидемиологиясини беморларнинг касаллик тарихларини ретроспектив ўрганиш орқали таҳлил этиш ва тегишли хулосалар чиқариш ишнинг асосий мақсади сифатида белгиланди.

Ўрганилган беморларнинг характеристикаси ва тадқиқотни ўтказиш усуллари: Хоразм вилоятидаги Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида, Хива ва Шовот туманлари тиббиёт бирлашмаларида олиб борилган илмий изланишлар клиник материалларнинг асосини ташкил этди. 2018-2022 йиллар давомида ушбу шифохоналар архивларидан 217 нафар ортиқча вазн фонида сурункали панкреатит билан касалланган беморларнинг касаллик тарихлари ажратиб олинди ва ретроспектив тарзда, махсус ишлаб чиқилган анкета-сўровнома асосида фармакоэпидемиологик усуллар билан таҳлил қилинди.

Беморларнинг касаллик тарихларини ўрганиш жараёнида қуйидаги маълумотларга эътибор қаратилди: беморларнинг вазни ҳамда тана вазни индекси, касаллик пайтида беморларнинг ёши, касалликнинг табиати, давомийлиги, касалликнинг илк белгилари пайдо бўлгандан аниқлангунга қадар ўтган вақт, касалликнинг кечиш давомийлиги, қўзиш частотаси, касаллик пайтида асоратларнинг мавжудлиги, даволашда қабул қилинган дори воситаларининг характери ва самарадорлиги.

Натижалар ва уларнинг таҳлили: Маълумки, ҳозирги кунда олиб борилаётган замонавий диагностик ва даволаш усулларида қарамасдан, меъда ости безининг яллиғланиш билан кечувчи касалликулари бутун дунёда кўплаб асоратларга ҳамда ўлимга олиб келувчи ҳасталиклар қаторида қолиб келмоқда. Ўрганиш учун ажратиб олинган 217 нафар беморнинг касаллик тарихлари маълумотларидан уларнинг жинслар бўйича тақсимланиши таҳлил этилганда қуйидаги ҳолат аниқланди: даволанган беморларнинг 76 фоизи (165 нафари) ни аёллар, 24 фоизи (52 нафари) ни эркеклар ташкил этди ва бундан касалликнинг учраш частотаси эркекларга қараганда аёлларда 3,17 марта юқори эканлиги маълум бўлди.

Ўрганилаётган беморларнинг барчасида тана вазнининг юқори эканлиги аниқланган бўлиб, ортиқча тана вазнига (ТВИ 25,0 дан 29,9 гача) эга бўлган 92 нафар аёл ва 26 нафар эркек, 1-даражали семизлик (ТВИ 30,0 дан 34,9 гача) билан 70 нафар аёл ва 23 нафар эркек, 2-даражали семизлик (ТВИ 35,0 дан 40,0 гача) билан 2 нафар аёл ва 3 нафар эркек ҳамда 3-даражали семизлик (ТВИ 40,0 дан юқори) билан 1 нафар эркек касалланганлиги маълум бўлди (1-жадвал).



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ
ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ ТИББИЁТ ЖУРНАЛИ
1-ТОМ, 2-СОН. 2025-06.04

1-жадвал

Беморларнинг тана вазни индекси бўйича гуруҳларга бўлиниши

Жинси	Беморлар сони	Ортиқча вазли, 25,0-29,9	1-даражали семизлик, 30,0-34,9	2-даражали семизлик, 35,0-40,0	3-даражали семизлик, 40,0 дан юқори
Аёл	165 (76%)	92 (42,5%)	70 (32,5%)	2 (1,0%)	—
Эркак	52 (24%)	26 (11,9%)	23 (10,4%)	3 (1,3%)	1 (0,4%)

Жами 110 нафар бемор – 35 нафар эркак (32%) ва 75 нафар аёл (68%) нафақага чиқмаган, яъни ишлаш қобилиятига эга бўлган, 107 нафар бемор эса – 14 нафар эркак (13%) ва 93 нафар аёл (87%) нафақага чиққан фуқаролар эканлиги аниқланди. Жами беморларнинг 184 нафари (85%) қишлоқ ва 33 нафари (15%) шаҳар аҳолиси эканлиги маълум бўлди. 7 нафар (3%) беморда касаллик биринчи марта, 210 нафар (97%) беморда эса қайта касалланиш эканлиги аниқланди. Касалликнинг кечиши 23 нафар (11%) беморда 5 йилгача, 194 нафар (89%) беморда эса 5 йилдан ортиқ давом этиши маълум бўлди.

Мазкур беморларни даволаш жараёнида қўлланилган дори воситаларининг фармакоэпидемиологияси ўрганилганда куйидагилар аниқланди. Антисекретор дори воситаларидан: 5 нафар беморга антацидлардан алмагел ва маалокс, протон насос ингибиторларидан – 122 нафар беморга омепразол, 30 нафар беморга пантапрозол, 11 нафар беморга ранитидин ва фамотидин тавсия қилинган бўлиб, 52 нафар беморга эса бундай дори воситалари тавсия этилмаган. Беморларнинг 122 нафарига спазмолитиклардан ношпа, платифиллин ва папаверин препаратлари қўлланилган бўлса, 95 нафарига бундай воситалар қўлланилган эмас. Уларнинг 150 нафарига полифермент препаратлар тавсия қилинган бўлса, 67 нафарига бундай дори воситалари тавсия қилинмаган. Беморларнинг 110 нафарига меъда ости безининг антифермент препаратлари тавсия қилинган бўлиб, 107 нафарига эса бундай воситалар тавсия қилинмаган. Уларнинг 115 нафарига дезинтоксикацион даво воситаси сифатида натрий хлорнинг 0,9 фоизли эритмаси, реосорбилакт, глюкозанинг 5 фоизли эритмаси, маннитол ва регидротоник эритмалари 200 мл миқдорида томчилаб киритилган бўлса, 102 нафар беморга бундай воситалар қўлланилган эмас. Беморларнинг 10 нафарига кўрсатма бўйича оғриқ қолдирувчи воситалар, 71 нафарига эса антибиотиклар тавсия қилинган (2-жадвал).

2-жадвал

Қўлланилган дори воситаларининг даволаш стандартларига мослиги

Дори воситалари гуруҳлари	Қўлланилган беморлар сони	Қўлланилмаган беморлар сони	Даволаш стандартига мослиги, %
Антисекретор воситалар	168	52	77
Спазмолитиклар	122	95	56
Полифермент дорилар	150	67	69
Дезинтоксикацион дори воситалари	115	102	53
Антифермент дорилар	110	107	51
Анальгетиклар	10	207	5
Антибиотиклар	71	146	33

Жадвалдан кўриниб турибдики, ўтказилган даво муолажаларининг катта кўпчилиги (50 фоиздан ортиғи) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2021-йил 30-ноябрдаги 273-сонли буйруғининг 9-илоvasи билан тасдиқланган “Терапевтик касалликларнинг клиник баённомалари, таъхислаш ва даволаш стандартлари”га мос равишда



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ
ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ ТИББИЁТ ЖУРНАЛИ
1-ТОМ, 2-СОН. 2025-06.04

олиб борилган. Аммо, анальгетикларнинг қўлланилиши стандартга нисбатан 5 фоизни ташкил этган. Чунки улар асосан сурункали панкреатитнинг кўзиш даврида юзага чиқадиган кучли оғриқларни бартараф этиш учунгина қўлланилган, антибиотиклар эса кўрсатмага биноан, фақат зарур бўлган ҳолатлардагина ишлатилган, холос.

Умуман олганда, ортиқча вазнли беморларда касалликнинг учраш частотаси эркакларга қараганда аёлларда 3,17 марта юқори экан. Бу илмий манбалардаги маълумотларга мос келади. Жами 110 нафар бемор ишлаш қобилиятига эга, 107 нафар бемор эса нафақага чиққан фуқаролар бўлган. Уларнинг 85 фоизи кишлоқ ва 15 фоизи шаҳар аҳолиси экан. Беморларнинг катта кўпчилигида касалликнинг кечиши 5 йилдан ортиқ давом этган. Ўтказилган даво муолажаларининг 50 фоиздан ортиғи даволаш стандартларига мос равишда олиб борилган. Қолган қисми эса даволаш стандартига мос тарзда олиб борилмаган.

Хулосалар:

1. Ортиқча вазнли беморларда сурункали панкреатитнинг учраш частотаси аёлларда эркакларга нисбатан 3,17 марта юқори.
2. Мазкур касаллик меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ёшидаги инсонларда ҳам кўп учрайди.
3. Ортиқча вазнли беморларда кечувчи сурункали панкреатитни даволашда беморларнинг деярлик ярмида даволаш стандартларига риоя қилинмаган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдурахимова Л.А., Хамраев А.А. Клинико-anamnesticheskie особенности течения болезни больных хроническим панкреатитом // Биология ва тиббиёт муаммолари. 2019, №2 (109). С.10-13.
2. Клинические рекомендации Российской гастроэнтерологической ассоциации по диагностике и лечению экзокринной недостаточности поджелудочной железы / Ивашкин В.Т., Маев И.В., Охлабыстин А.В. и др. // Российский журнал гастроэнтерологии, гепатологии, колопроктологии. 2017, Т.27. №2. С.54-84.
3. Коротько Г.Ф. Дуоденальное сопряжение панкреатической экзосекреции и эвакуаторной деятельности гастродуоденального комплекса // РЖГГК.- 2011; 3:13-18.
4. Матрасулова Д.М., Исмоилов С. Р., Юлдашов Ж.А., Ортиқча вазнли беморларда сурункали панкреатитнинг медикаментоз коррекцияси // Журнал гепато-гастроэнтерологических исследований. 2021, №1 (том 2) С.28-33.
5. Хронический панкреатит: микробно-тканевой комплекс кишечника и системная воспалительная реакция / Гриневич В. Б., Сас Е.И., Денисов Н.Л. и др. // Эксперимент. и клин, гастроэнт.- 2011; 7:13-17.